

ДАВЛАТ МУАССАСАЛАРИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ АСОСЛАРИ

Хайитов Шерзод Пардабоевич

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Тошкент молия институти (ТМИ)

e-mail: shshsh777@umail.uz

Аннотация

Ушбу илмий тадқиқот ишида давлат муассасаларининг бухгалтерия ҳисоби асослари баён қилинган. Давлат муассасаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш мақсади, предмети, функция ва вазифалари илмий асосланган ҳолда келтирилган.

Калит сўзлар: бухгалтерия ҳисоби, бухгалтерия ҳисоби объектлари, бухгалтерия ҳисоби функциялари, давлат муассасаси, хўжалик операциялари, ҳисоб.

Давлат муассасаларининг бухгалтерия ҳисоби мамлакатимиз ҳисоб тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. У мамлакатимизда фаолият юритаётган барча даражадаги давлат муассасаларида ҳисоб ишларини юритиш ва бухгалтерия маълумотларини яратишга ихтисослашган.

Бухгалтерия ҳисоби барча хўжалик операцияларини яхлит, узлуксиз, ҳужжатлар асосида ҳисобга олиш йўли билан бухгалтерия ахборотини йиғиш, қайд этиш ва умумлаштиришнинг тартибга солинган тизимидан, шунингдек унинг асосида молиявий ва бошқа ҳисоботни тузишдан иборатдир.

Бухгалтерия ҳисоби хўжалик операциясини бухгалтерия ҳисобининг камида иккита счётида бир вақтда ва ўзаро боғлиқ ҳолда пулда баҳолаб акс эттириш йўли билан иккиёқлама ёзув усулида юритилади [1].

Давлат муассасалари бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ва бошқа норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.



Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни тартибга солиш, бухгалтерия ҳисоби стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг зиммасига юклатилади.


Ҳозирги вақтда мамлакатимизда давлат муассасаларининг бухгалтерия ҳисоби ҳам қонунчилик, меъёрий, услубий ва ташкилий жиҳатлардан тартибга солинади.

Давлат муассасаларида бухгалтерия ҳисобининг предмети муассасанинг пул ифодасида акс эттириладиган хўжалик маблағлари, шу маблағлар манбалари, уларнинг хўжалик фаолияти ва молиявий натижаларидир [5].

Бухгалтерия ҳисоби предмети бундай таърифлаш билан барча давлат муассасалари учун умумий бўлган халқ хўжалигининг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришини олиб бориш кўрсатилади. Бу бухгалтерия ҳисобининг энг муҳим хусусиятларидан биридир.

Давлат муассасаларида бухгалтерия ҳисобининг объектини умумлаштирилган ҳолда қуйидагилар ташкил этади: хўжалик маблағлари, хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбалари, хўжалик жараёнлари ва молиявий натижалар.

Қуйидаги 1 – расмда бухгалтерия ҳисобининг объектлари кўрсатиб ўтилган.




1-расм. Бухгалтерия ҳисобининг объектлари¹

¹Муаллиф томонидан тузилган

Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган давлат муассасалари, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда ундан ташқарида жойлашган шуъба корхоналари, филиаллари ва бошқа таркибий бўлинмалари бухгалтерия ҳисоби субъектлари ҳисобланади.

Давлат муассасалари бухгалтерия ҳисобининг асосий функциялари бошқа ташкилотлар ҳисобидаги каби режали, назорат, ахборот, таҳлилий ва прогнозлаш функциялари билан ифодаланади (2–расм).



1-расм. Бухгалтерия ҳисобининг функциялари²

Режали функция режалаштирилаётган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) учун пул ва моддий воситалар эҳтиёжига асосан ҳисоблаш, тахмин қилинаётган даромад (фойда), маҳсулот (иш, хизмат)лар таннаرخини режалаштириш, шунингдек, қўйилган мақсадга эришиш йўллари излашдан иборат.

Нazorat функцияси бухгалтерия ҳисоби учун одатий ҳол ҳисобланади. Бунда муассаса мол-мулкининг сақланиши, ундан мақсадли фойдаланилиши, шунингдек, муассаса маблағларининг самарали ишлатилишини назорат қилиш назарда тутилади. Бухгалтерия назоратининг натижасида муассасаларнинг нормал фаолиятидаги меъёрий (белгиланган) қоидалардан (талаблардан) оғишларни аниқлаш мумкин [7].

Бухгалтерия ҳисобининг ахборот функцияси ички ва ташқи фойдаланувчиларни унинг асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш учун энг аниқ, тўлиқ ва ўз вақтида маълумот билан таъминлашдан иборат.

²Муаллиф томонидан тузилган

Бухгалтерия ҳисобининг таҳлилий функцияси молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муассасаларнинг иқтисодий фаолиятини таҳлил қилишни ўз ичига олади.

Бухгалтерия ҳисобининг прогнозлаш функцияси жорий, кейинги ва режалаштирилган даврлар учун бюджетларни (харажатлар сметаларини) тузишдан иборат [6].

Шунингдек, давлат муассасалари бухгалтерия ҳисобини юритиш мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

- давлат муассасаси фаолияти ва унинг мулкӣ ҳолати тўғрисида молиявий ҳисоботларни ички ва ташқи фойдаланувчилар учун тўлиқ ҳамда ишончли қилиб шакллантириш;
- хўжалик операцияларини амалга оширишда амалдаги норматив – меъёрий ҳужжатларга риоя этилишини ва уларнинг мақсадга мувофиқлигини, ҳисоботларнинг тўғри шакллантирилишини назорат қилиш;
- давлат муассасаси хўжалик фаолиятининг салбий натижаларини олдини олиш ва унинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг хўжалик ичидаги захираларини аниқлаш.

Давлат муассасалари бухгалтерия ҳисобини юритишда қўйилган мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифалар ҳал қилиниши керак:

- оператив раҳбарлик ва бошқариш, шунингдек, барча манфаатдор фойдаланувчилар томонидан фойдаланиш учун зарур бўлган иқтисодий жараёнлар ва ташкилот фаолиятининг молиявий натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотларни яратиш;
- ташкилотнинг мансабдор шахсларига мол-мулкнинг мавжудлиги ва ҳаракати, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан нормалар, сметалар ва стандартларга мувофиқ фойдаланишни назорат қилиш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этиш;
- хўжалик фаолиятидаги салбий ҳодисаларнинг ўз вақтида олдини олиш, ички захираларни аниқлаш ва мақсадли сарфлаш, ташкилотнинг жорий давр ва истикболдаги фаолиятини прогнозлаш.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, давлат муассасаларида бухгалтерия ҳисобини юритишда албатта, амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиш, ҳисобнинг ташкилий, услубий ва техник



жиҳатларига амал қилиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги ЎРҚ-404-сон Қонуни
2. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-360-сон Қонуни.
3. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномага (2010 йил 22 декабрь, 2169 – сон).
4. Лёвина С.С., Хаметова А.Р. Особенности бухгалтерского учета в бюджетных организациях // Журнал “Экономика и право”. – 2015. № 12 (58). – с. 100 – 102.
5. Kuliboyev Azamat Shonazarovich. (2023). Improvement of accounting in state medical institutions. *Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities*, 2(5), 145–147. Retrieved from <https://econferenceseries.com/index.php/icedh/article/view/1897>
6. Кулибоев, А. (2023). Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. *Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари / Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук / Actual Problems of Humanities and Social Sciences.*, 3(9). <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I9Y2023N06>
7. Shonazarovich, Kuliboyev Azamat. "REGULATORY AND LEGAL REGULATION OF ACCOUNTING IN BUDGETARY INSTITUTIONS." *EPRA International Journal of Economics, Business and Management Studies (EBMS)* 10.6 (2023): 82-86.